АССАЛОМ НАВРЎЗ!

АСР ТЕНГДОШЛАРИГА ТУҲФАЛАР

Фарғона вилояти шаҳару қишлоқларида мингдан зиёд 100 ва ундан ортиқ ёшли табаррук отахон ҳамда онахонлар бор. Биргина Бешариқ туманининг ўзида 78 нафар шундай нуроний қариялар борлиги маълум. Наврўз байрами арафасида вилоят ҳокими Н. Мўминовнинг табриги ва совғалари ана шу кексаларга топширилди. Нуроний қарияларни камтарин байрам совғаси мамнун қилди.

Алишер ИБОДИНОВ.

ЙИЛ ОЙИ КУН

30 воқеалар, янгиликлар, мақолалар, фактлар

МАҲАЛЛАДОШЛАР ҚУВОНЧИ

Урганчдаги Комилжон Отаниёзов номли маҳаллада нишонланган Наврўз зўр шодиёнага айланди. Дастурхонга ноз-неъматлар қўйилди. Қозонларда сумалак тайёрланиб, ош тортилди. Шаҳар фахрийлар кенгаши раиси Сардор Жаббарганов, отахонлардан Раймберган Каримов, маҳалла фуқаролар йиғини раиси Аминбой Абдурахмоновлар ўзларининг дил сўзларини айтиб, азалий удумларимиз ҳақида гапирдилар.

Амин ЭШМАТОВ.

АССАЛОМ ЙИЛБОШИ!

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 20 март, пайшанба № 35 (22.119).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 март куни Японияниинг «Нише Иваи корпорейшн» компанияси президенти Масатаке Кусамичини қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги алоқаларнинг тобора кенгайиб бораётгани ҳақида сўзлар экан, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланишида ҳукуматлараро алоқалардан ташқари, турли корхона ва фирмалар даражасида ҳам самарали ҳамкорлик кенг йўлга қўйилаётгани диққатга сазовор эканини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон билан «Нише Иваи корпорейшн» компанияси ўртасидаги ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси В. Норов, Бош вазир уринбосари Қ. Ҳаққўлов, ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқаруви раиси Р. Азимов иштирок этди.

Қабул маросимида Японияниинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Коуичи Обата ҳозир бўлди.

Суратда: Президент Ислом Каримов Россия Федерацияси федерал чегара хизмати директори Андрей Николаевни қабул қилган пайт.

С. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган сурат.

***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 март куни Россия Федерацияси федерал чегара хизмати директори Андрей Николаевни қабул қилди.

Суҳбат чоғида Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги, минтақанинг жанубий чегараларидаги вазият ва Афғонистондаги ҳолат билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раиси Р. Иноятов иштирок этди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКАДА ВЕКСЕЛЬ МУОМАЛАСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ БОРАСИДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Векселларни чиқариш ва уларнинг муомаласи механизмини такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг шартнома мажбуриятларини бажаришлари учун молиявий жавобгарлигини ошириш, улар чиқарган векселларнинг пули ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:

мулкчилик шаклларидан қатъи назар молиявий барқарор корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек, тижорат банклари узоғи билан уч ой муддатга, алоҳида ҳолларда эса олти ой муддатгача векселлар чиқариш ҳуқуқига эгадирлар;

корхоналар ва ташкилотларга аниқ етказиб берилаётган товарлар (ишлар, хизматлар) учун ҳисоб-китоб қилишга уларда вақтинча етишмаётган пул маблағларини қоплаш учунгина векселлар чиқаришга йўл қўйилади, бунда хизмат кўрсатувчи банк томонидан вексель кафолати (аваль) расмийлаштирилиши шарт;

тижорат банклари томонидан вексель чиқариш фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Векселларни трест бошқарувига топшириш, шунингдек, кредитларни векселлар билан бериш ман қилинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бир ҳафта муддатда қуйидагиларни ишлаб чиқиб, тасдиқласин:

корхоналар, ташкилотлар ва тижорат банклари томонидан векселлар чиқариш ҳуқуқини олишга бўлган талаблар рўйхати ва тартиби;

тижорат банклари томонидан вексель кафолати (аваль)ни расмийлаштириш тартиби, бунда аваль мабодо вексель берувчи ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда вексель сақловчига вексель пулини ўз вақтида қайтариш бўйича хизмат кўрсатувчи банкнинг кафолати ҳисобланади. Шу нарса кўзда тутилсинки, тижорат банки вексель берувчи корхонанинг молиявий аҳволини текшириб кўргандан кейингина унинг ликвид активлари гарови эвазига авални расмийлаштириши мумкин.

3. Тижорат банклари ушбу Фармоннинг 2-бандида кўрсатилган вексель чиқариш ҳуқуқини олишга нисбатан талаблар рўйхатига мувофиқ, аваль олиш учун банкка мурожаат қилган корхонанинг молиявий барқарорлигини синчиклаб таҳлил этсинлар ҳамда корхона етарли даражада тўлов қобилиятига эга бўлган тақдирда ликвид активлар гарови шартномасини ва вексель кафолати (аваль) тўғрисидаги шартномаларни расмийлаштирсинлар.

4. Векселларнинг пули ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш мақсадида шу нарса белгиланисинки, вексель берувчи корхонанинг ҳисоб варағига келиб тушадиган маблағлар иш ҳақи ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангунга қадар биринчи навбатда муомала муддати тугаб бораётган векселларнинг пулини қайтаришга йўналтирилади.

Бунда корхоналарнинг бюджет билан ҳисоб-китоблари ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш учун белгилаб қўйилсинки, бюджет олдида боқимандаси бўлган вексель сақловчи — хўжалик юритувчи субъектлар товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини тўлаш учун пулини қайтариш муддати мазкур ойда бошланадиган векселлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмасдирлар. Ана шу векселларнинг пулини қайтаришдан вексель сақловчиларга тушадиган пул маблағлари бюджетга мавжуд боқиманда ҳисобига ўтказилиши лозим.

5. Тижорат банклари:

вексель берувчи корхоналар учун махсус ҳисоб варақлар очиб, уларда векселларнинг пулини қайтариш пайти келгунгача вексель берувчиларнинг зарур миқдордаги пул маблағларини заҳирада сақлаб турсинлар;

вексель пулини қайтариш пайтида вексель берувчининг бўш пул маблағлари бўлмаган тақдирда, вексель кафолати (аваль)га асосан вексель сақловчига тегишли маблағларни ўз вақтида тўлаб, кейинчалик векселга эътироз билдириш ва қарздор корхонага нисбатан чоралар кўриш тартиб-қоидасини қўлласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ҳафта муддатда нотариал идоралар томонидан векселларга эътироз билдириш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқласин,ва бунда шуни назарда тутсинки, тўловчи весель пулини тўлашдан бош тортган ёки у нотариал идорага келмаган тақдирда давлат нотариуси векселга эътироз тўғрисидаги белгини қўяди ва бу белги аваль берган банкнинг хўжалик судига мурожаат қилиши учун асос ҳисобланади.

7. Аваль берган тижорат банкларига тўловни вексель берган корхона мулки ҳисобидан ундириб олиш ҳуқуқи берилсин.

Олий хўжалик суди векселлар пулини қайтариш, шу жумладан, тўловни вексель берувчининг мулки ҳисобидан ундириб олиш билан боғлиқ ишлар жадал кўриб чиқилишини таъминласин. Ҳуқуқбузарлик фактлари аниқланган тақдирда материаллар тезкорлик билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилсин.

8. Молия вазирлиги, Марказий банк, тижорат банклари, прокуратура органлари хўжалик юритувчи субъектлар томонидан вексель муомаласи тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши, республика миқёсида векселлар пули ўз вақтида ва бир текис қайтарилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсинлар. Муайян айбдор шахсларга нисбатан жавобгарлик, шу жумладан, амалдаги қонунларда кўзда тутилган жиноий жавобгарлик чоралари кўрилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банк билан бирга икки ҳафта муддат ичида қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 19 март.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

МАШИНА-ТРАКТОР ПАРКЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Машина-трактор паркларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш — техника хизмати кўрсатишда уларнинг аҳамиятини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» Давлат-кооператив қўмитасининг фаолият кўрсатаётган машина-трактор парклари ва қишлоқ хўжалик техникасига ишлаб чиқариш-техника ва сервис хизмати кўрсатиш корхоналари негизида давлат-акционерлик машина-трактор парклари ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Акциядорлик жамияти акцияларини қуйидаги тартибда бирламчи жойлаштириш назарда тутилсин:

давлат улуши — устав жамғармасининг 35 фоизи;

жамоа улуши — устав жамғармасининг 15 фоизи;

қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасида жойлаштириш — устав жамғармасининг 30 фоизи;

эркин сотиш, шу жумладан чет эл инвесторларига — устав жамғармасининг 20 фоизи;

2. Давлат-акциядорлик машина-трактор паркининг намунавий ташкилий тузилмаси ва унинг ижро этувчи аппаратининг намунавий тузилмаси тасдиқласин.

3. «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» Давлат-кооператив қўмитаси, Давлат мулки қўмитаси, Адлия вазирлиги давлат-акциядорлик машина-трактор паркининг намунавий уставини икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсинлар ва тасдиқласинлар.

4. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

Машина-трактор паркларининг айланма маблағларини тўлдиришга 1997 йилда республика бюджетидан 1314 миллион сўм ажратиш назарда тутилган;

«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» Давлат-кооператив қўмитаси 1997 йилда республика бюджетига 685 миллион сўм қарзни қайтаришдан озод қилинган, кўрсатиб ўтилган сумма ўз айланма маблағларини тўлдиришга йўналтирилади.

Машина-трактор парклари томонидан бажариладиган ишлар ва хизматлар қийматини пасайтириш мақсадида улар фаолият кўрсатиш хусусиятига, солиқ солиш шартларига ва бюджетга тўловлар бўйича қишлоқ хўжалик корхоналари сирасига киритилсин.

5. «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» Давлат-кооператив қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

қишлоқ хўжалик корхоналаридан машина ва механизмларни сотиб олиш тартибини;

хўжаликлардан қишлоқ хўжалик техникасини, уларни кейинчалик сотиб олиш ҳуқуқи билан, ижарага олиш тартибини;

машина-трактор парклари томонидан хорижий техникадан фойдаланган ҳолда бажариладиган механизациялаштирилган ишлар (хизматлар) қийматини, улардан фойдаланишнинг ҳақиқий муддатларини ҳисобга олган ҳолда, аниқлаш методикасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи майда товар ишлаб чиқарувчиларга, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига уларнинг буюртмалари бўйича сервис хизмати кўрсатиш масалалари «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» Давлат-кооператив қўмитасига юклансин. Бунинг учун машина-трактор парклари таркибида ихтисослаштирилган бўлимлар ташкил этилсин, уларни шакллантиришнинг аҳволи алоҳида назорат остига олинсин.

Ушбу масала бўйича таклифлар бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритилсин.

6. «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» Давлат-кооператив қўмитаси «Кейс-корпорейшн» корпорацияси билан республикада хорижий қишлоқ хўжалик техникасига сервис хизмати кўрсатиш бўйича «Ўзкейссервис» қўшма корхонаси ташкил этиш тўғрисида шартнома тузганлиги, муассислар улушлари белгиланганлиги (51 фоиз — «Кейс-корпорейшн» корпорацияси улуши, 49 фоиз — ўзбекистонлик муассислар улуши) ва шу йил май ойида қўшма корхонани ташкил этиш бўйича таъсис йиғилиши ўтказиш мўлжалланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. «Ўздавнефтмаҳсулот» бирлашмаси «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» Давлат-кооператив қўмитаси буюртманомалари бўйича амалдаги нормалар асосида машина-трактор паркларига фойдаланиш эҳтиёжлари ва техникага техник хизмат кўрсатиш учун — мойлаш материаллари етказиб берилишини таъминласин.

8. «Ўзқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси, «Ўзмашсаноат» ва «Ўзавтосаноат» уюшмалари «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» Давлат-кооператив қўмитаси билан биргаликда қишлоқ хўжалик техникасига эҳтиёт қисмлар, узеллар ва агрегатлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш дастурини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

9. «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» Давлат-кооператив қўмитаси машина-трактор парклари механизаторлари ва муҳандис-техника ходимлари чет эл техникасини ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш қоидалари бўйича мунтазам ўқитилишини ташкил этсин ва таъминласин.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари машина-трактор парклари шаклланиши ва улар фаолияти ташкил этилишига ҳар томонлама ёрдам кўрсатсинлар ҳамда уларни қўллаб-қувватласинлар. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари машина-трактор парклари фаолияти учун шахсан жавоб беражаклари тўғрисида огоҳлантирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 6 декабрдаги 432-сон қарори 3-бандининг қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш-техника хизмати кўрсатиш бўйича акциядорлик ва бошқа хўжалик жамиятларининг уюшмаларини ташкил этишга тегишли қисми ўз кучини йўқотган деб ҳисобланисин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош Вазирнинг биринчи ўринбосари Қ. Обидов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил, 19 март.

ИҚТИСОДИЙ, МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИ



Куни кеча «1997 йил — Инсон манфаатлари йили» деб номланган янги китоб босмадан чиқди. Мазкур тўпламга мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида 1997 йил 26 февралида сўзлаган нутқи ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган тадбирлар Дастури киритилган.

Юртбошимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқида ўтган 1996 йил якунлари, эришилган натижалар ва шу билан бирга ислоҳотларни амалга оширишда йўл қўйилган хато ва камчиликлар таҳлил этилади. 1997 йилги иқтисодий янгиланишларнинг устувор йўналишлари айни мана шу асосда белгилаб берилади.

Инсон манфаатларини таъминлаш борасида жорий йилда амалга ошириладиган тадбирлар Дастурида Ўзбекистон фуқаролари манфаатларини таъминлаш учун зарур ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитларни барпо этиш, шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, демократик ва маънавий қадриятларни ривожлантириш, шунингдек, иқтисодий ислоҳотларнинг ижтимоий йўналишини кучайтириш, кишиларнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш режалари ишлаб чиқилган.

Китоб «Ўзбекистон» нашриёти томонидан нашрга тайёрланган бўлиб, кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган.

Ўзбекистон — Япония:

ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ ИМЗОЛАНДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларни чет элларда таълим олишини қўллаб-қувватлаш бўйича «Умид» жамғармаси билан Японияниинг «Нише Иваи Корпорейшн» компанияси ўртасида ҳамкорлик шартномасини имзолаш маросими бўлди.

Шартномани «Умид» жамғармаси бошқаруви раиси, Ўзбекистон Миллий банки бошқаруви раиси Р. Азимов ва Японияниинг «Нише Иваи Корпорейшн» компанияси президенти М. Кусамичи имзоладилар. Унга кўра, Японияниинг «Нише Иваи Корпорейшн» компанияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларни чет элларда ўқитишни қўллаб-қувватлаш бўйича «Умид» жамғармасига 150 минг доллар ажратади.

Маросимда иккала томон вакиллари Ўзбекистон иқтидорли ёшларини чет элларда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш борасида хайрли ишга қўл урилганлиги ва мамлакатларимиз ўртасида дўстлик алоқалари ривожланиб бораётганлиги ҳақида гапирдилар.

Шартномада «Умид» жамғармаси ва Япония компанияси ўртасида жаҳоннинг етакчи олий ўқув юртларида Ўзбекистоннинг иқтисодиёт ва ижтимоий соҳалари учун олий малакали мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлаш борасида асосий ҳамкорлик йўналишлари белгилаб берилган.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

ФАРИШТАЛАР ПАРВОНАСИ

Пайғамбаримиз салламлоҳу алайҳи васалламнинг куёвлари — Ҳазрати Алининг аёллари Фотима аямиз имом Ҳасан, имом Ҳусан чақалоқ чоғларида ночор кун кечирар эканлар.

Бир кеча эртанги ризқ ҳақида қайғуриб, кўзлари илинибди. Тушларида малаклар қозон атрофида парвона эмиш. Саҳарга яқин уйғониб, эшикка чиқсалар, ҳовли ўртасида қозон тўла, хушбўй, хуштаъм таом биқиллаб турганмиш. Шунда, бу егулик Оллоҳнинг неъмати, дебдилар.

«Сумалак» гоҳида «Семалак», баъзан эса «Сермалак» ҳам дейилади. Ҳар қалай, бу атамада бир қанча малак-фаришталар парвона бўлгани, таом тансиқ экани каби маънолар зоҳир.

Муҳими, сумалак буғдой шарбатидан тайёрланади. Олмон олимлари эса ундирилган буғдойни майдалаб, ёб-юриш кишини ёшартириши, ёшларни эса яхши ўсишига имкон беришини илмий асослашган. Бобокалонларимиз бўлса тафаккур ҳосиласи — сумалак баҳона айни илик узилди чоғлар оғзимизни кўкка, дармондорига етказишни ният қилишган.

Болаликда патефон қўйишни яхши кўрардим. Бир даста пластинкамиз бўларди. Улар орасида Мулла Тўйчи, Қори Ёқубов, Тамарахоним ва Ҳалимахонлар қатори «Сумалак» ҳам турарди. Зеро, шуни қўйдим дегунча бувим билан онам ҳайҳайлашиб: «Ўчир, ўчир.. ёмон бўлади, гуноҳ бўлади,» деб туриб олишарди. Боиси, у даврда сумалагу Наврўзни нишонлаш у ёқда турсин эслаш ҳам ман этилганди.

Мана, энди ҳар бир хонадон, гузар, маҳаллаю қишлоқ ва қир-адирларда сумалак барокат нишонаси бўлиб турибди. Йилбоши, янги кун чоғлари ҳамма нуроний отахону онахонларни йўқлаб, дуоманд. Пойтахтнинг турли гўшаларида 70 қозон осилган. «Миллий боғ» атрофи гавжум. Илойим Наврўз деб кўчага чиққанларнинг насибаси бўлмиш сумалак бўйи атрофни тутаверсин.

Мирзо АНВАР.

БАЙРАМ ҚУВОНЧЛАРИ

Наврўзни Қашқадарё, Сурхондарё томонларда Йилбоши дея атайдилар. Бу ўлкаларда кўклам нафаси ўзга юртлардан ўзгачароқ, барвақтроқ уфуради. Ҳамалнинг илк кунларидан турналарнинг қурей-қурейлари, қалдирғочларнинг хушҳол парвозлари, бойчечакнинг қаттиқ ердан қаталаб чиқиши, деҳқоннинг даласига уйғоқ боқиши, бари-бариси малоҳатли баҳор фаслидан дарак беради. Қирадирлар, ёлғизоёқ суқмоқларга қадар пистоқи жанглар бошланиб кетади. Турналарнинг арғумчоқларидан одамлар йилбошининг келганини билиб, қишлоқ қайвонилари, оқсоқоллари, момолар, гул янглиғ қиз-жувонлар, фусункор келинпошшалар, забардаст тоғ йигитлари, хуллас болабақралар, бари-бариси ўшал сайҳонликка жам бўладилар. Ҳар ким уйидан топганини олиб чиқади. Узун-узун дастурхонлар солинади. Солиҳ ниятлар билан ҳақиқдек сумалаклар тортилади. Дастурхонлар турли таомларга тўлиб кетади. Давранинг тўридан оқсоқолу қайвонилар, бир четида қизларга пинҳон қараб қўяётган йигитлар.

Ўйин-кулги, қийқириқ авжига чиқади. Кимнинг-кимдан арази, гинаси бўлса унутилади. Момолар айтардилар. Шу куни дунё кунжларида бўлаётган урушлар ҳам тўхтар экан ҳатто. Ғанимлар дўстлашар экан шу куни. Дастурхон устида, келгуси йилнинг баракали, файзли келишини, элу юртда тинчлик фаровонлик бўлишини тилаб дуолар қилинади.

Ҳамма устидаги бир қат кийимини, дастурхонларини оқар сувга оқизиб-оқизиб оладди. Бу дегани, ўтган йилда бўлган дилхираликлар шу билан оқиб кетсин дегани. Шундан кейин олов ёқилиб, барча бирин-кетин оловдан сакрайди. Бу, кимнинг қандай гуноҳи, бўлса ўтган йилда қолиб кетсин. Янги йилга, янги бўлиб кирайлик дейилгани.

Озода БЕКМУРОДОВА.

ЙИЛБОШИ СУМАЛАГИ

1. Дуогўйлар дуо айладилар,



2. Бободеҳқон уруғ сайладилар,

3. Сара бошоқ донин бойладилар,

4. Момолар келига шайладилар,

Улуғ олим ва мутафаккир Абу Райҳон Берунийнинг «Осор ул-боқия ан ул-қурун ил-Ҳолия» («Ҳозирги асрнинг боқий ёдгорликлари») рисоласи тарихий, адабий-ахлоқий, фалсафий ва этнографик асар ҳисобланади. Китобдаги Беруний қайдларидан маълум бўладики, Наврўз Жамшид салтанати даврида катта тантана ва шукуҳ билан кутиб олинадиган бўлган. «Осори ул-боқия»да Беруний замондоши Бағдод мўбади (ислом пойтахтида оташпарастларнинг бош диндори — Ш. В.) Озарбод тилидан ривоят қилади: «Найшакар (шакарқамиш) — Наврўз куни топилди. Ундан олдин ҳеч ким шакарқамиш хосиятини билмасди ва уни танимасди ҳам. Бир кун Жамшиднинг ўзи шакарқамишдан сув оқаётгани ва унинг ширин эканлигини билди. Амр этди қамишнинг сувини олиб ундан шакар олинглар, деб. Бешинчи куни шакар ҳосил бўлди. Буни табаррук деб билиб, одамлар бир-бирларига шакар туҳфа қилардилар».

Қуёш Қўй буржига киргандан кейин баҳор фасли бошланади, — деб ёзади Беруний. Шу куни Хуросон подшоҳлари ўз аскарларига баҳорги ва ёзги кийимлар берардилар, уларни сийлардилар. Наврўз Ажам ерларида бир кундан бир ойгача кутиб олинар эди. Наврўз ойининг олтинчи куни «Наврузи бузург» — улуғ наврўз кутиб олинар эди. — «Айтадиларки, Худованди карим олтинчи куни оламни яратиб тугатди ва тинчланди. Шу куни Аллоҳ Муштарини яратди. Наврўзнинг энг шодмон соати Муштарий вақтидир. Шу айёмда ер юзи аҳолиси учун бахт бўлиб бериларкан. «Рўзи умед» — умид куни, деб эронийларнинг айтишлари ҳам шунда».

Беруний юқоридагиларни келтириб хулоса қилади, «Саҳобалар дейдилар, «Кимки Наврўз куни тонг отишдан олдин — турсаю сўз айтмасдан, шакардан татиб, зайтун ёғила баданини сурса йил давомида ҳар қандай балолардан солим қолгай».

Ислом даврида халқимиз бундан ташқари уйларида байрамона дастурхон ёзиб унинг устига етти хилдан иборат анвойи таомлардан қўярдилар.

Қадимда, жумладан Беруний замонида ҳам Наврўз кунида эрталаб одамлар ғусл қилардилар. Беруний бу ҳақида ёзади:

ФАХР ЭТ, СЕН НАВРЎЗ БИЛАН!

«Сабаб шулким, бу кун Ҳарузо — сув фариштасига тегишлидир. Сув эса Ҳарузога мансуб. Одамлар эрталаб туриб ҳовузлар сувига чўмиладилар. Бир-бирларига сув сепадилар. Бунинг сабаби шундаки, қишда инсоннинг танаси олов касофати билан тутун ва кулда қолиб кетади. Сув билан ўшалардан тоза бўлишади. Яна сув сепиш билан ҳаво тоза ва латиф бўлиб ҳаводаги вабо ва бошқа касалликлар йўқолади».

Беруний маълумотига қараганда, қадимда Наврўз бир ой кутиб олинарди. Беш кун подшо ва аҳли саройи, иккинчи беш кунда ашрофлар, учинчи беш кунликда подшонинг ходимлари ва омиллари, кейин беш кун халқ тўдаси ва охирги беш кунликда деҳқонлар байрам қилар эканлар.

Сосонийлар ҳам (226-652 йй) Наврўз кунини катта тантана ва шукуҳ билан кутиб оларканлар. Беруний ёзади: «Сосонийлар анъанасида шундай эди. Подшо Наврўз куни халққа мурожаат қиларди. Иккинчи куни у деҳқонлар билан тантанали равишда байрам қиларди. Учинчи куни аскарияси, улуғлар ва мўбадлар билан қайд қиларди. Тўртинчи куни аҳли байти ва яқинлари билан, бешинчи куни оиласи ва ходимлари, олтинчи куни фақат ўзи Наврўзни кутиб оларди. Охирги куни подшо қўл остидагиларига ҳадя ва туҳфалар юборарди. Салмони Форсий айтади «Зардўштийлар динида бўлганимизда айтардикки, Худованд ўз бандаларининг зийнати учун Наврўз кунида ёқутни, Меҳргон кунида забаржадни яратгандир. Шунинг учун ҳам бу иккала байрамнинг фазилати бошқа байрамлардан (жавҳарлардан) ёқуту олмосдек ажралиб туради.

Абурайҳон Беруний «Осор ул-боқия»да суғдийларнинг Наврўзи ҳақида ҳам тўхталиб ўтган. У ёзади: «Суғдлар ҳам ўз ойларини йилнинг фаслларига қараб бўлганлар. Навсарднинг биринчи куни суғдларнинг наврўзидир. У Улуғ Наврўздир. Шу ойнинг йигирма саккизинчи кунини Бухоро зардўштийлари «Ромиши Оғом»иди дедилар. Шу байрамда улар Ромиш қишлоғидаги оташхонада жамъ бўладилар. Бу оғом (ид) улар олдида энг улуғ ва катта байрамлардан саналади. Улар қайси қишлоғида бўлмасин, ўзларининг раислари ҳузурига еб-ичиш учун йиғиладилар. Бу байрам уларда бир неча навбатдан кутиб олинади.

Шоир Али бинни Яҳё мунаҗжим Абулқосим бинни Ваҳбни мадҳ этиб қуйидаги мисраларни битган эди. «Сен фахр қилгин, Наврўз билан, чунки шу куни сен одамларнинг шукри ва таҳниятига соҳиб бўлдинг!» Абурайҳон Беруний ҳам бу байтларни келтириб, Наврўзи оламнинг минг йилдан кейин ҳам умумхалқ байрами бўлиб қолишига ишонган, деб хулоса қилиш мумкин.

Шодмон ВОҲИД,
тарих фанлари номзоди.

ЙИЛБОШИ СУМАЛАГИ

5. Оллоҳни кўнгилга жойладилар,

6. Қозонлар тонггача қайнадилар,

7. Болажонлар тўйиб яйрадилар,

8. Аё, дўстлар, Йилбоши сумалагига марҳабо!

БАҲОР, СЕН ОНАМГА ЎХШАЙСАН ЖУДА

Воҳ, бугун Йилбоши-ку. Ўғлим Наврўз сайлига қачон чиқамиз, деяпти.

Ғаниш ҳиддан кўзларим мастона сузилиб борар экан, ўйладим: Баҳор! Бутун меҳрибонлиги, нафислиги, латофати-ю таровати билан худди онамга ўхшайди. Дилимга шеър қуйила бошлади:

О, баҳор, яна сен
қайтдингми, жоним,
Сочимни силади
майингина ел...

Ўғилчамни етаклаб кўчага чиқдим. Ҳамма ёқда одам. Ҳамма ёқда байрам.

Бир зумда Хатирчининг адирларида пайдо бўламан. Ҳов ана ўзим. Тенгқурларим, ялангоёқ болалар билан эшаккўпкарида қатнашаётирман. Улоқ ўрнида кимнингдир йиртиқ телпаги. Энг зўр солим — чавандоз боболарнинг бир оғиз «баракалла, ота ўғил», деган олқиши. Ҳов ана онам! Сумалак қўзғайтуриб ният қиляптилар. Балки, болаларига Яратгандан толе тилаётгандирлар. Балки, эй бор худо-ё, фарзандларимнинг ҳузурини кўрай, деб ният қилаётгандирлар. Ё, насиб!..

Ҳов ана жамалаксоч қизчалар. Биз — эшак минган чавандозларга ўғринча-ўғринча қарашлар қилаётирлар. Мана отам, эшакдан йиқилган укамни турғизаётиб ўгит бераяптилар: Эшак минган бир куни от ҳам минади, бола!..

Шўх-шаддод қизлар билан товонидан ўт чақнаган йигитлар арқон тортишадилар. Э-э, беллашувда қизларнинг қўли баланд келди. Аввалига ҳайрон қоламан. Сабабини англагач «воҳ», деб юбораман. Ана аёлга ҳурмат. Ана ўзбекча тантилик. Бир ёқда момолар чанқовузни йиғлатиб қоладилар.

Зарафшон воҳаси! Бир ёни Бухоро-ю, бир ёни Самарқанд. Ўртада кенжатой Навоий. Наврўзлари бунча ўхшаш бўлмаса, байрамлари, урф-одатлар бунча уйқаш бўлмаса бу юрт фарзандларининг...

Ислом ҲАМРО.

ТУРНАЛАР АРҒИМЧОҚ ТОРТИБ УЧАДИ

Ассалом, Йилбоши!

Кенгликлар, далаларда бугун ажиб тароват. Чўлнинг куни ва туни тенглашди.

Йилбоши тунида айтмишларки, малойиклар сумалак қозонига ўт қалармиш. Беҳишт меваси ёнғоқ ва тош ташлаб кетармиш. Сумалакдан чиққан ёнғоқ ҳамда тош Эзгулик калити, одамга йўлдош бўлармиш.

Халқнинг азалий Йилбоши удумлари кўп. Сирдарё, Жиззаҳда бу айёмни табиат қўйнида кутадилар.

Бугун бу элда тулпорлар туёғидан ўт чақнайди. Кўпкарида эр йигитлар наъра тортяпти. Улоқ қайси жўмардда кетди?

Йилбоши таоми сумалак! Аёллар бу тунда қозон ковлаб, давра олади. Момолар ният қилади. Ёшлар пичирлаб юзга фотиҳа тортади: «Иншооллоҳ!»

Ёмғир ёғсин, сув мўл бўлсин. Ўт-ўланга дала тўлсин. Қут-барака аримасин. Дондунларга омбор тўлсин.

Ҳа, Йилбоши тилаклар мустажо бўлади. Келинлар оналик тилайди, қизлар эса сирли шивирлаб, кўпкаридаги йигитлар томонга ўғринча қараб қўяди. Кайвони юрт Яратгандан осойишталик сўрайди.

Сумалак дошқозонни очган кайвони даставвал азиз авлиёлар, ўтганлар руҳига савобини бағишлайди. Яратгандан, табиатдан сув сўраб «момоқалдироқ» чақирган боланинг идишига тотли сумалак солинади. Далага илк бора қўш қўшиб, омоч тортган деҳқон йигит сийланади. Яна бир гўзал одат: келиннинг оқ ҳарир рўмолиниям сумалакка ўт қалаган болакай косов билан очди. Сўнг орқасига қарамай қочди. Болалар кетидан югуриб кетди. Етказмай қайтиб келса, келин атай тўқиган четида шокилалари шилдир-шилдир қўл рўмоллик бўлади. Келинга шундай қучқордек ўғил тилашади.

Саида ЙЎЛДОШЕВА.

ОСИЁ-ВЕСТ

OSIO WEST

ЎЗБЕКИСТОН — ГЕРМАНИЯ

"ОСИЁ-ВЕСТ"

ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Ўзбек халқимизни
баҳор, гўзаллик, тинчлик, хотиржамлик,
янгиланиш байрами —

НАВРЎЗИ ОЛАМ БИЛАН

муборакбод этади.

Ушбу байрам "Инсон манфаатлари йили"га тўғри келди. Ниятимиз шуки, мазкур йил ҳар бир инсонга, ҳар бир хонадонга тўкинлик, саломатлик ва осойишталик олиб келсин!

Ўзбекистон — Россия — Швейцария
"ШОШ—ТРАНС"
қўшма корхонаси акционерлик жамияти

Республика раҳбариятини ва барча юртдошларимизни баҳор, янгиланиш ҳамда ҳурриятимиз намойиши бўлмиш Наврўз байрами билан чин дилдан самимий муборакбод этади!

Қўшма корхонамиз жамоаси мана бир неча йилдан бери ҳорижий шерикларимиз билан ҳамкорликда мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётир. Бу борада юксак ижобий натижаларга ҳам эришилмоқда.

Биз мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг бунёдкорлик ишларидан мамнун бўлиб, ана шу улуғ ишларга ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишга ҳамиша интилиб келаётирмиз.

Ватандошларимизни улуғ байрам билан табриклар эканмиз, юртимизнинг ҳар бир гўшасидан, ҳар бир оиласидан тинчлик, хотиржамлик, қувонч аримаслигини тилаб қоламиз.

Барча миллат хонадонидан осойишталик, дастурхонидан эса қут-барака кўтарилмасин!

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ — ШВЕЙЦАРИЯ
"ШОШ — ТРАНС"
ҚЎШМА КОРХОНАСИ АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ.

НАВРЎЗ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!

"АЗИЯ-ОИЛ-ЭКОГЕОТ"

компанияси

пул ўтказиш йўли билан

автошиналар ва аккумуляторлар
мотор мойи
паркетли линолеум (Хитой)

БЕНЗИН

А-80 (Қозоғистон),
АИ-95 (Голландия)
дизель ёнилғиси

СОТАДИ

Автомобилларни
("ВАЗ", "BMW")
пул ўтказиш йўли билан таъмирлайди.

Бизнинг талонларимиз бўйича сиз автомобилларингизга қуйидаги АҚЁШларда кечаю кундуз ёнилғи қуйиб олишингиз мумкин.



Манзил: Тошкент ш., Пушкин кўчаси, 59 "УзНИИПРОМЦВЕТ" 1-қават "Ҳ. Олимжон" метро бекати.

Тел.: (3712) 68-56-41, 68-16-41, 36-00-45, 68-57-98.

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ

"АРТ ЛТД Ко"

қўшма корхонаси

ART

АРТ ЛТД Ко
қўшма корхонаси

ART LTD Co
joint venture

Республика ҳукуматини, дини ва дили бир ўзбек халқини, қолаверса, шу азиз Ватанда яшаётган барча миллат вакилларини янгиланиш ва ёшариш баёрами —

Наврўзи олам —

баҳор айёми билан чин юракдан муборакбод этади.

Барчангизга соғлик-омонлик, узоқ умр, бахт-саодат ёр бўлишини тилаймиз.

Қалбингизга жо бўлган барча яхши ниятлар ушбу қутлуғ кунларда ижобат бўлсин!

BUZTEL
BAKRIE UZBEKISTAN TELECOM

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚИНИ

БАҲОР БАЙРАМИ—

НАВРЎЗ

БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ!

Биз сизни уяли алоқа илғор технологияларининг ажойиб оламига таклиф этамиз.

ЎЗМЕТАЛЛСАВДО АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ

Очиқ турдаги

«ЎЗМЕТАЛЛСАВДО»

акционерлик жамиятининг акциядорлари диққатига!

Сизларни 1997 йил 21 апрель соат 14.30 да бўладиган акциядорларнинг йиллик йиғилишига таклиф этамиз.

Кун тартибида кўриладиган масалалар:

1. Акционерлик жамиятининг 1996 йилги иш якунлари ва 1997 йилги ривожланиш вазифалари.

2. 1996 йилги хўжалик фаолияти якунларини ва дивидендлар миқдорини тасдиқлаш.

3. Акционерлик жамияти бошқарувининг 1996 йилдаги қарорларини тасдиқлаш.

4. Тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш.

Йиғилиш иштирокчилари соат 13.30 дан бошлаб рўйхатга олинадилар.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 136-уй.

«Шоҳжаҳон-95» хусусий фирмасининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Бағдоддонмаҳсулотлари» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти барча акция эгалари диққатига!

Жамиятнинг 1996 йилги молиявий хўжалик фаолияти бўйича умумий йиғилиши 1997 йил 28 март куни соат 10. 00 да ўтказилади

Кун тартибидаги масалалар:

1. Жамиятнинг 1996 йилги молиявий хўжалик фаолияти бўйича ҳисоботи.
2. Тафтиш ҳайъати ҳисоботи.
3. Дивидендлар тақсимланиши.
4. Бошқа масалалар.

ГУЛ БАҲСИДА — ИШҚ НАЗМИ

Март ойининг бошлари эди. Дугоналаримдан бири билан Максим Горький номидаги метро бекати йўлагидан чиқа туриб, сумалак сотаётган аёлга кўзимиз тушди. «Ийэ! Қаранг, сумалак!» дея беихтиёр иккаламиз ҳам қувониб кетдик. Лекин ўша тансиқ неъматни 130 сўмга сотиб олмадик. Нимадир халақит берди, назаримда. Ўзимча гап ташлайман:

— Ажаб замонлар келди-я! Илгарилари сира сумалак сотишмасди...

— Ҳа, нимасини айтасиз! Лекин бир томондан шуниси ҳам дуруст. Беғалва, беминнат сотиб олиб тинчгина болаларингга едирасан. Ҳозир тўртта одамнинг бошини қовуштириш қанча қийин! Бир кечаю бир кундуз кўплашиб сумалак пишириш-нинг ўзи бўладими!..

Ўйланиб қолдим. Дарвоқе, дугонамнинг гапида жон бор. Балки шаҳарда чиндан ҳам шундайдир. Бироқ қишлоқ одамлари тез бириқадилар. Водийда тўй-маъракаю байрам-ҳайитларда ҳеч ким уйида ёлғиз ўтирмайди. Ҳамма ўз маҳалласи, ўз тенгқурлари орасида бўлсам дейди. Улар учун маҳалла оқсоқоли ёки кайвони онахоннинг ҳар битта сўзи қонун.

Наврўз кунлари момоларимиз, боболаримиздан мерос қолган муқаддас удумлар сўзсиз адо этилади. Одамлар кун ва тун бир нуқтада тўқнашадиган бу қутлуғ кун арафасида дастлаб ўз кўчаларини тозалаб обод қиладилар. Кейин ҳовлисини, сўнг эса уйларини саранжомлайдилар. Ва ниҳоят, сиз ва биз энтикиб кутган дақиқалар бошланади.

Айниқса, талабалик йилларимизда ўтказган Наврўз базмларимиз ҳанузгача хотирам пештоқида чарақлаб кўнглимни мунаввар этиб турибди. Наврўзимизнинг энг сирли лаҳзалари гул баҳси-ю баҳру байт мушоиралари бўларди... Қўлма-қўл бўлаётган бир жуфт гул ҳамду саноларидан янада яшнаб кўнгил қулфимизни очиб юборарди. Гул мадҳини билмаган йигит ҳам, қиз ҳам топилмасди.

Гулни гул дерму киши
гулнинг тикони
бўлмаса,
Ёрни ёр дерму киши
ёрнинг вафоси бўлмаса.

Боғингизда гулингиз
Очилибди ғунча-ғунча.
Сира сабрим
чидамайди
Жавлон уриб
очилгунча.

Эшик олди гул ҳовуз
Гулни поймол
қилмангиз.
Ўзгага қиё боқиб,
Дилни вайрон
қилмангиз.

Кўнглим сенга
интилар
Чорбоғингда гул
битар.
Икки ошиқ бирикса
Савобига ким етар?

Даста-даста гулларни
Атаб терганман сизга.
Ялпиз териб юрганда
Ваъда берганман
сизга.
Сенсан менинг
Хитойим,
Сенсиз қайга
кетойин.
Даста гул бўб барг
ёйгин,
Доим соянгда
ётойин.

Баҳс узоқ давом этади. Гул ва муҳаббат мадҳи қовушиб кетади. Бир жуфт гул даврани бир неча бор айлангач, кимдир байт тополмай лол қолади. Ўша мағлуб одам давра иштирокчиларининг талабини бажариши керак. Хуллас, Наврўз базмида ҳамма бир-биридан бийрон, ғазалхон бўлиб кетади. Ёшлар гул шаклида дастурхон тузайдилар. Момолар гул улашганга суюнчи берадилар. Гоҳ том оша, гоҳ уйма-уй юриб сумалак тарқатадилар. Кексалар баҳор неъматларини аввал кўзларига суртиб, сўнг «шу кунларга етказганингга шукр, худойим» деб тановвул қиладилар.

Тилагимиз шуки: гўзал удумларимизнинг умри боқий бўлсин! Наврўзимиз қутлуғ келсин!

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 20-mart, payshanba № 35 (22.119).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

UT-BANK

UZBEKISTAN TURKISH BANK

Ўзбекистон ҳукумати ва бутун ўзбек халқини яшариш, яшиллик байрами —

Наврўз

билан самимий табриклаймиз.

Наврўз ҳар бир хонадонга қут-барака, тинчлик олиб келишини чин дилдан тилаймиз.

Туркийзабон халқлар дўстлиги ва ҳамкорлиги янада мустаҳкамланаверсин.

Наврўз байрамингиз билан, дўстлар!

ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЯ ҚЎШМА БАНКИ.

Табриклаймиз

Боксчилар орасидаги халқаро "Олтин камар" совринни соҳиби, машҳур спортчимиз Артур ГРИГОРЯНга

— "Қирол" Артур қаерлик?
— Э, ким билмайди буни!
Тўғилган юртини у
Кўнди шонқ шуҳратга.
Ўзбекистон кучини,
Қудратини, зарбини
Синаб кўрмоқ бўлганлар,
Қани, турингг навбатга!..

Самарқанд тумани ҳокими Раҳима ҲАКИМОВАга

Ташаббусчи, ғайратли,
Тинмас — Опани кўрсанг,

Суҳбатдошин бунёдкор
Ишга шайлантиради.

Соҳибқирон боғларин
Тиклаб чиқди, сал қўйсанг,

Бутун Ўзбекистонни
Боққа айлантиради!

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси бош директори вазифасини бажарувчи Арслон РЎЗМЕТОВга

Кўзатаман шод-хуррам:
Само қаҳкашонида
"Ўзбек ҳаво йўллари"
Парвозга кетар тўлиб.
Мана, "Боинг"лар учар
Ўзбекнинг осмонида
Бири "Самарқанд" бўлиб,
Бириси "Хева" бўлиб!..

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберган ҚАИПБЕРГЕНОВга

Юрдим, юрдим, мўл юрдим,
Маккагача йўл бўлди,

Нақ Каъбага етганда
Йўлни йўқотдим бир дам.

"—Ҳой, Ўзбек!"лаб қичқирдим,
Дунё менга жўр бўлди,

Яъни ўзбекдан мадад
Кутар экан дунё ҳам...

Миллатпарвар олим, муаррихлар сулоласининг муносиб давомчиси Азамат ЗИЁга

Ўзбекнинг Аҳамияти
Ёзаётир китоблар,
Буюк келажак учун
Кашф этмоқда жавоблар.
— Ўзбек энди ўсади!—
Дейди у ишонч билан,—
Мингирламай турса бас
Чет эллик ҳув жаноблар!...

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Салим АШУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Виктор ЗВЕРЕВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи С. САЛИМОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0141

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.45.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА